

Тазкия дарслари (203-дарс) Тавҳид ва ибодат

ТАЗКИЯ
203-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



00:00 / 06.11.2022 1995

«Тавҳид» сўзи луғатда «ваҳҳада» – «юваҳҳиду» – «тавҳийдан» лафзларининг масдаридан олинган бўлиб, бирор нарсага бирлик ва фардликни нисбат беришни ва ундан кўпликни инкор этишни англатади. Чунки шу вазнда келган феъл ва масдарлар нисбат беришни билдиради. Мисол учун, «фосиққа чиқариш» дейилса, «унга фисқ нисбатини бердим», дегани бўлади. Шунинг учун ҳам «Ваҳҳаттуллоҳа» жумласи «Аллоҳга ваҳдоният нисбатини бердим» ва «Албатта, Унинг Ўзи якка эканига ишондим», деган маънони англатади. Бунда «Уни битта қилдим» деган маъно йўқ. Чунки У Зотнинг ваҳдонияти қилувчининг амали билан бўлмайди.

Шаръий истилоҳда эса:

«Тавҳид Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ҳамда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир».

Қуръон ва Суннат уламолари тавҳиднинг қисмлари ҳақида

Тавҳид уч қисмдан иборат:

Сифатлар тавҳиди, робблик (парвардигорлик) тавҳиди ва илоҳийлик (ибодатга сазоворлик) тавҳиди.

Сўнгра илоҳийлик тавҳиднинг ўзи яна иккига бўлинади:
Исбот ва маърифатдаги тавҳид ҳамда талаб ва қасддаги тавҳид.

Мутакаллимлар тавҳиднинг турлари ҳақида

Билингки, тавҳид:

1. Ёки мавжудликнинг вожиблигини фақат Аллоҳга боғлашдир.
2. Ёки холиқлик – яратувчиликни ёлғиз Аллоҳга боғлашдир.
3. Ёки маъбудият – ибодат қилиниш ҳаққини ёлғиз Аллоҳга боғлашдир.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди